



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№23 (53) 6.06.2019 йил

Рамазон ҳайитингиз муборак бўлсин!



» Долзарб мавзу

Ўзбек театри:

Бугун пайдо бўлмаган муаммолар

30 май куни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қошида ташкил этилган жамоатчилик кенгашининг навжатдаги йигилиши ўтказилди. Давра сухбати тарзида ўтган ушбу тадбирда театрларимизнинг бугуни ва келажаги хусусида фикрмулозалар, танқидий-тахлилий муносаралар ўртага ташланди.

Жумладан, кенгаш аъзолари театр ҳамда бошқа йўналишларда ижод қилиб келаётган режиссёрлар, актёrlар ва ижодий ходимлар фаолиятида ютуқ дейишига арзигуллик ўсиш ёки натижалар кўзга ташланмаётгани, бу борадаги муаммо-камчилликларга атрофлича эътибор қаратиш зарурлиги ва уларни ҳал этиш борасидаги фикрмулозаларни билдиришиди.



Донолар
сузлайди...

Кимдаки ақлдан бирон сатр бор,
Умрин бир лаҳзасин ўтказмас бекор.
Умар Хайём

Бу куннинг тадбири сабабли эртанинг тадбирига
эҳтиёжи қолмаган киши ақллидир.

Абу Райхон Беруний

Ахволимнинг оғирлиги бошқаларга азоб бериш
учун сабаб бўла опмайди.

Зсхил

Ушбу сонда

Санъат – баркамоллик воситаси

Ўзбекистон тараққиёти-
нинг ҳозирги босқичида
санъат таълимини ривож-
лантириш ва унинг восита-
сида ёш авлодни маънавият-
ли шахс сифатида вояга ет-
казиш долзарб вазифалардан
хисобланади.

2-саҳифада >>

Мозийдан садо Кўхна рамзлар



7-саҳифада >>

Халқ хунармандчилиги Ипаклари тиллодан...



8-саҳифада >>



» Маданий алоқалар



Хорижлик сиёсий арбоблар Хоразмда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер 27 май куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Шунингдек, Россия Федерацияси ҳукумати раиси Дмитрий Медведев Ҳукумат раҳбарлари даражасидаги Ўзбекистон – Россия кўшма комиссиянинг биринчи мажлисида иштирок этиш учун 29-30 май кунлари мамлакатимизда бўлди.

ФРАНК-ВАЛЬТЕР ШТАЙНМАЙЕР:
«ЎЗБЕКИСТОН – БЕТАКРОР ДИЁР»
29 май куни Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер рафиқаси ҳамроҳлигига Хива шаҳрининг тарихий маркази – «Ичан қалъа»га ташриф буюрди. Мехмонлар Кўхна арк, Паҳлавон Маҳмуд мажмуалари, Қози Калон мадрасаси, Калта минор ёдгорлиги ва бошқа дикъатга сазовор жойлар билан танишишиди.

Давоми 2-саҳифада >>

» Маданий ҳамкорлик

Озарбайжонлик санъат усталари Сирдарёда



Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият марказининг ижодий ходимлари Сирдарёга ташриф буоришиди.

1 июн куни Гулистон шахридаги А. Навоий номли билимдонлар масканида Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги элчинонаси ҳузуридаги Ҳайдар Алиев номли Озарбайжон мадани-

ят маркази ходимлари, Озарбайжондан ташриф буюрган таникли артистлар, маданият ва санъат вакилларининг концерти ва кўргазмали чишилари бўлиб ўтди.

Тадбирда Озарбайжонда изизмат кўрсатган артистлар — Эхтиром Ҳусаинов, Кўяқбай Алиев ва Бейимхоним Велиевалар со-

зандаги раққосалар жўрлигига ўзларининг куй ва раксларини намойиш этиши. Шунингдек, Озарбайжон маданият маркази лойиҳаси асосида “Озарбайжон — Кавказ дурдонаси” ҳамда “Ўзбекистонда Озарбайжон маданияти ва адабиёти ҳафтаси” мавзусидаги кўргазмалар намойиш этилди.

» Узостлар ёди


Таникли санъаткор, истеъодли актёр, комик роллар устаси Ўзбекистон халқ артисти Ҳусан Шарипов 1937 йилнинг 27 июлида Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1963 йили Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институтини тамомлаган. 1959-1991 йillardа Муқимий театри актёри, 1986-1987 йillardarda мазкур театр директори бўлиб ишлаган.

Самиимий кулги устаси

Театрда ижро этган Бой (“Муқимиий”), Тошболта (“Тошболта ошик”), Кодир (“Мангулик”), Абдулсамад, Хушмамат (“Ватан ишқи”), Асатулло (“Сув келтирсан азиз”), Пўлут (“Хотиниминг эри”), Тожибой (“Ўжарлар”), Ҳасан (“Жон қизлар”), Акоп (“Хонума хоним”), Ҳусниддин (“Лақма”), Абдулла (“Ака-ука совчилар”) каби турфа характерли қаҳрамонлари оркали томошабинлар орасида хурмат қозонган. Актёр табиатан одамохунлиги, бой фантазияси, имконияти кенглиги, ижро санъати ва маҳорати, комик йўналишдаги ролларга мойилиги, ҳар бир қаҳрамонининг самимилиги билан ажralib туради.

Ҳусан Шарипов ўтган асринг 80-йillardардан бошлаб “Ўзбекфильм” киностудиясида суратга олинган бадиий фильмларда асоси ролларни ижро этди. Унинг “Водиллик келин”, “Майсааринг иши”, “Суюнчи”, “Бомба”, “Тангалик болалар”, “Келинлар қўзғолони”, “Чинор остигади дуэль” фильмларида яратган бетакрор образлари ўзбек киноси ҳазинасининг бебаҳо мулкига айланниб қолди.

Ҳ.Шарипов 1980-1985 йillardarda Тошкент театр ва рассомлик санъати институтida актёрлик маҳоратидан дарс берib, кўплаб шоғирдлар етишигиди. 1984-1994 йillardarda “Кар-гунглар жамисони”да фолијат олиб бориб, жамисоний имконияти чекланган кишилар кўнглига



йўл топди. Улар орасидаги иқтидорлilar иштирокида бир неча спектакллар саҳналаштириди.

Ҳусан Шарипов самимиий кулги ва сўз устаси сифатида ҳам ҳалкимиз қалбидан чукур жой олган. Унинг “Телевизион миниатюралар театри”да олиб борган ижори фаолияти диккатга молик. Мазкур жамоада кулги даргалари Эргаш Каримов, Роза Каримова, Ҳасан Йўлдошев, Садир Зиёвуддинов, Ортиқ Юсупов, Абдураҳмон Ақбаровлар билан биргаликда ҳалкимизга кулги, табассум улашиди. Актёрнинг, айниқса, 1971 йилда Шавкат Жунайдуллаев суратга

олган “Учрашув” комедиясида ижори этган роли бир кунда машхур бўлиб, айни фильмда “Тошкент пиёласи”, “Паркент мураббоси” дея айтган жумлалари халқ орасида мақолу мatalга айланниб кетган эди.

У телевидение билан ижори муносабатини узвий давом эттириб, саксон ёшида “Жиблажибон” юмористик сериалида роли ижро этди. Афсуски, бу актёрганин энг сўнгги ролларидан бири бўлиб қолди.

Ҳусан Шарипов Ўзбекистон халқ артисти (1991), “Мехнат шуҳрати” ордени (1999) сохибидир.



“Гулшан” хуш кайфият улашиди

31 май куни Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонасида “Ҳар бир фарзанд – меҳр ва эътибор оғушида” деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Урганч шаҳридаги “Гулшан” маданият маркази билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу кечага Ҳалқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишилди. Унда иштирокчилар Ватан, Она, тинчлик ҳақидаги шеърлардан намуналар ўқишиди, шу мавзудаги қўшиқларни ижро этишиди. Шунингдек, маданият маркази санъаткорлари ҳам барчага хуш кайфият улашиди.

Тантанада шахмат бўйича шахсий биринчиликда қатнашиб голиб бўлган ўқувчи ўшларни вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси вакиллари китоблар билан, Урганч шаҳар маданият маркази эса фахрий ёрлиқ билан тақдирлади.

З. СОБИРОВ,
Хоразм вилояти кўзи ожизлар кутубхонаси директори

» Ҳалқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

“Ҳар бир болага меҳр ва эътибор!”



Ҳалқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 1 июн куни Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар маданият бош бошқармаси ва катор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигигаFaafur Yulom номидаги маданият ва истироҳат бодига “Ҳар бир болага меҳр ва эътибор!” мавзусида байрам тадбирни ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг дамли созлар оркестри, Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси тааруфидаги бадиий жамоалар, Чилонзор туманидаги маданият марказлари кошида фаолият кўрсатадиган бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва рақъ жамоаларининг концерти, Республика “Баркамол авлод” болалар техник ижодиёт марказидаги турли тўғаракларнинг ҳунармандчилик ва тасвири санъат студиялари қатнашчиларининг кўргазмалари намойиш этилди.

Байрам тантаналари доирасида Республикада ижтимоӣ ёрдамга муҳтоҳ оиласида фарзандларини қўллаб-куватлаш маркази томонидан махсус викторина ўйинлари ташкил этилиб, болажонларга ҳомий ташкилотларнинг совғалари тарқатилди. Бог маъмуряти томонидан байрам муносабати билан Тошкент шаҳридаги кам таъминланган оиласларнинг фарзандлари, туманлардаги Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун 2500 дан ортиқ белуп чипталар тарқатилди.

»



Совғалар топширилди

Ҳалқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Навоий вилояти Кизилтепа туманидаги маданият ва истироҳат бодига байрам тадбирни бўлиб ўтди. Унда 200 га яқин чин етим болаларга совғалар улашиди ҳамда тўқин дастурхон ёзилди.

Байрам тантаналарида тумандаги “Нафосат” маданият марказининг “Гулчой” ашула ва рақъ ансамбли томонидан концерт намойиш этилди.

Сархисоб

40 йиллик ижодий ютуқлар этироф этиди



«Давоми. Боши 1-саҳифада

30 май куни Самарқанд вилоят қўғирчоқ театрида йилнинг илк спектакли бўлган “Хвастливи ыцълёнок” (“Мактантон жўжа”) асари пойтахтдан келган мутахассислар эътиборига хавола этилди.

Маданият вазирлиги, ЎзДСМИ, Ёзувчилик уюшмасининг вилоят филиали ҳамда Маданият бошқармасидан таклиф этилган меҳмонлар муаллиф

А.Абдуллаев, режиссёр Ш.Усмонова, мусиқа безакчиси М.Беналиев, рассом К.Рахматовлар билан биргаликда жамоанинг ижодий ишини бир овоздан қабул қилдилар.

Спектаклдан сўнг “Бизнинг театр” номли илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда театрнинг 40 йиллик самарали фаолияти, эришган ютуқ ва натижалари сархисоб қилинди.



Ўзбек театри: Бугун пайдо бўлмаган муаммолар



Бу ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасига тегишилар ҳужжатлар тақдим этиш учун таклиф ва тартиблар ишлаб чиқиши, мазкур масалаларни кенгрок ўрганиб, атрофлича таҳлил қилишиб, фақат соҳа ходимлари эмас, томошабин ҳамда жамоатчилик фикри билан ҳам қизиқиши, том маннода улар билан ҳисоблашиш ва замондан оркада қолмай, янгича спектакллар кўйиш, саҳна декорацияларига янгиликлар олиб кириш, сценарийлар ҳамда бошқа ижодий ишларда эскича қолип асосида ишланиши ўзгартириш, бир сўз билан айтганда фаолиятини ислоҳ қилишиб бўйича бир қанча маърузалар тингланди, режалаштирилган чора-тадбирлар мухоммад қилинди.

Йигилишда, шунингдек, меҳнат учун моддий манфаатдорлик масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Маълум бўлишича, бугунги кунда актёrlарнинг иш ҳақи бир-бир миллион уч юз минг сўм атрофида. Президентимиз Ш.Мирзиёев қарори билан санъат ва маданият соҳасида, жумладан, театрларда фаолият юритаётган ижодий ходимларнинг иш ҳақи 40 фойизга оширилган айтилган эди. Муҳокамада маълум бўлишича, иш ҳақи билан боғлиқ қарор ижроси амалда тўлиқ бажарилмаган. Мутахассисларнинг афсус билан айтишларича, театрларда ишлаб келаётган тажрибали кадрлар салоҳиятидан кўпроғ фойдаланиш, уларни ёш актёrlарнинг тарбиячиси сифатида олиб қолиш оғрикли масалага айланмоқда. Бу ҳақда мусикишунос олим, профессор Отаназар Матёкубов ўз фикрларини билдири:

— Бугун режиссёр қанча ой-

лик олади? Маоши камлиги учун бу ишда катта ёшдагилар кола олмайди, вазиятни билса, ёшлар ҳам бу соҳада ўқигиси келадими? Масаланинг асл моҳияти шунда эканини очикойдин айтиш керак. Президентимизга бу борада ўз таклиф ва мулоҳазаларимизни асослаб кўрсатиб бера олсан, ишонамани, у киши бизга ёрдам беради, қўллаб-қувватлайди.

Миллий тикланиш демократик партияси марказий кенгашчи раисининг ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова мазкур партия билан ҳамкиҳатлиқда ушбу таклиф ва таҳлилларни тартибига солиб, Вазирлар маҳкамаси қарори даражасидаги ҳужжатга тенглаштириш ҳамда амалиёти билан шуғуланиш, шу билан бирга хусусий театрлар билан ҳам ҳамкорликни ўйлга кўйиш, бу борада келишув чора-тадбирларини ишлаб чиқиш кераклиги ҳақида ўз мулоҳазаларини бўлишина.

Кенгаш аъзолари яна бир оғрикли масала — олий таълимдан чиқиб келаётган ёш кадрларнинг савод даражасида пастлигини, бирор таҳлилий мақола у ёқда турсин, бир варақ матнини ҳам хатосиз ёза олмайдиган мутахассислар кўпайганини очик-ошкора таъқидлашиб. Жумладан, кенгаш аъзоси, журналист, санъатшунос, “Ўзбекистон адабиёт ва санъати” газетаси музхрири Гулчеҳра Умарова театрларда фаолият юритиб келаётган адабий кўмакдошларнинг ахволи ачинарли эканини, Ўзбекистон давлат санъатида ижодий институтида ўқиётган ёки уни тамомланган ёшлар маданият ёки санъат соҳасида аргизулигни бирор таҳлилий мақола ёза олмаётганини, улар ёзган матнларни кўпинча қайтадан ёзишга тўғри кела-

ётганини мисоллар билан тушунтириди. Аммо Ўзбекистон давлат консерваторияси таъбаларининг саводи улардан кўра анча дурустлигини, шу боис, таъбалар мақола ёки хабарлари билан “Ўзбекистон адабиёт ва санъати” газетасида ҳам қатнашиб туришларни таъқидлади.

Муҳокамадан сўнг кенгаш йиғилишида иштирок этган мутахассислар билан суҳбатлашдик.

ХАТОЛАРНИ ТАКРОРЛАМАЙ, ТУЗАТИШ КЕРАК

— Очигуни айтаман, менга хусусий “Турон”, “Илҳом” театрларининг иш фаолияти мақул, — деди Ўзбекистон ёшлар театри директори Ҳасан Солиҳов, “Кайси театрларимиз фаолияти яхши ва томошабини кўп, бу борада қандай ютуқ ва камчикликни кўрпазис?” деган саволимизга жавобан. —

Ҳаммаси ўзи билан ўзи овора. Институт мутассадилари учун таъбаларларга аниқ ўналишлар бўйича билим ва кўникмалар берилшида эмас, уларнинг қандай кийимда келиши, йигитларнинг соқоли олинганими-йўқми, деган нарсалар кўпроқ қизиқ. Айнан театр бўйича бўлмаса-да, айрим ўналишда ўқиётган таъбаларларга мутахассислар бўйича бирор ўқитувчи ёки фан ўй.

Афсуски, бу қаби камчиликларни гапириб ёки муҳокама қилиб ўтирий, тезлиларни асосида ҳал этиши керак. Бугунги бу муаммолар ўтган ўшларда қўлган хатоларимиз, буни кўриб-билиб турбимиз. Хатоларни кўпайтириш, таъкорламай тузашибимиз керак. Мен кенгаш қатнашиларига шулар ҳақида гапиридим ва бирор бўлса-да “уѓоготиш”га ҳаракат қилдим, деб ўйлайман.

Наби Абдураҳмоновни ишлашга, ижод қилишига кўйишшади. Ижодкор одам ҳар доим ҳисоб беришни таъаб қўладиганларни сўймайди, буни ўша мутасадидилар жуда яхши билади. Бироқ билоб түриб, кераксиз таъбалар кўйиши ижодий иштиёқни сўйнади, ишлана кайфиятини ўйқ қиласди. Ким бундай аҳволда ишласси келади? Бунинг устига, ижодий ходимларга бериладиган ҳақи кам. Ёлғиз бўлса-ку, аммалар амма бунақа пул билан оила тебратиб бўлмайди. 1-1,5 милион сўм ойлик иш ҳақи уларга албатта мақул эмас. Аммо бавозан бу соҳада иш бошлаган ижодкор учун пул мухим бўлмай қолади, мазза қилиб ижод қилас, роле ўйнаса, ишдан қониқса, шунинг ўзи кифоя. Лекин бундайлар кам. Яна бир жиҳат борки, кўжалик масалалари бўйича иктисолиди жараён муракаблашиб кетди. Белгиланган манзилдан нарса олишига мажбурсан — истаган ёки қидирган нарсанг бўлмаса ҳам, шунга ўхашини ё умуланган бошқачасини олишинг керак, бу борада бошқа имконият ёки шароитинг ўйқ. Танлов шу, тамом. Бунақа бўғилиши билан ишласси касида эмас, шунинг учун ҳам театр соҳаси шу ва бошқа муаммолар сабаб орқага қараб кетяпти.

Мана, бугунги йиғилишида кадрлар масаласи тилга олинди. Менинг назаримда, маданият ва санъат институтлариниң кўшиб юбормаслик керак эди. Энди кузатсангиз, улар орасидан на ҷаваскор, на мутахассис бўлиб этишиб чиқаётган ёшлиарни кўрасиз. Ҳаммаси ўзи билан ўзи овора. Институт мутассадилари учун таъбаларларга аниқ ўналишлар бўйича билим ва кўникмалар берилшида эмас, уларнинг қандай кийимда келиши, йигитларнинг соқоли олинганими-йўқми, деган нарсалар кўпроқ қизиқ. Айнан театр бўйича бўлмаса-да, айрим ўналишда ўқиётган таъбаларларга мутахассислар бўйича бирор ўқитувчи ёки фан ўй.

Биз театрга ва шу ўртга фидойилек ҳақида гапирилмиз-у, унда кимларни кўрламиш? Бу гапга кимлар ҳаққоний, кимлар соҳта ёки бир тономланма қараяти? Буни ҳам тилга олишимиз керак. Оддий мисол келтираман: актёр Афзал Рағибовнинг рус тилидаги спектаклларда роль ижро қилганини кўп кўрганимиз, албатта, бундай актёр-актрисаларни кўп кузатмиз. Шундай қилиб, фақат бу соҳада эмас, барча соҳа бўйича мазкур тартибини жорий қилиши керак, бўлмаса, болаларнинг саводи орқага кетишида давом этаверади.

Охирги пайтда театрларда шевада гапириб, роль ижро этаётган актёр-актрисаларни кўп кузатмиз. Шундай қилиб, фақат бу соҳада эмас, барча соҳа бўйича ишлана шарт қилиб кўйиши керак. Иниш ёза олмаган одам театрида нутқини равон етказиб берга олмайди, тўғри жумла тозулмайди.

Хатоларни ичди яна бирине менга мақул бўлди — санъат соҳасида олий мазлумотли бўлган кишилар режиссёrlикка ўқиши ёки Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтидаги ҳар доим ўналишда эмас, барча соҳа бўйича ишлана шарт қилиб кетишида давом этаверади.

Таклифлар ичди яна бирине менга мақул бўлди — санъат соҳасида олий мазлумотли бўлган кишиларни кўзатмиз. Шундай қилиб, фақат бу соҳада эмас, барча соҳа бўйича ишлана шарт қилиб кетишида давом этаверади.

Биз театрга ва шу ўртга фидойилек ҳақида гапирилмиз-у, унда кимларни кўрламиш? Бу гапга кимлар ҳаққоний, кимлар соҳта ёки бир тономланма қараяти? Буни ҳам тилга олишимиз керак. Оддий мисол келтираман: актёр Афзал Рағибовнинг рус тилидаги спектаклларда роль ижро қилганини кўп кўрганимиз, албатта, бундай актёр-актрисаларни кўп кузатмиз. Аммо ўзбек тартибларида ўзбекистон тартибларида ҳаракат қилдим, деб ўйлайман.

САВОДЛИ БЎЛИШНИ ШАРТ ҚИЛИВ КЎЙИШ КЕРАК

— Ушбу кенгашда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтидаги режиссёrlик ўналишинини тамомламоқчи излаш зарур.

**А.МУМИНОВ ёзib олди.
Муаллиф олган суратлар**

» Янги спектакль

**“Ур тўқмоқ”
кенгаш
куригидан
үтказилди**



» Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



“Баркамол авлод – Ватан таянчи”

31 май куни Жиззах вилояти Фориш туман маданият бўлими ва мактабгача таълим мусасалари билан ҳамкорликда “Баркамол авлод – Ватан таянчи” деб номланган фестиваль ўтказилди. Тадбирда маданият марказида фаолият олиб бораётган тўгараклар иштирокчилари ва туман МТМ бўлимига қарашли мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўзларининг “Санъатсевар болажонлар”

деб номланган концертини намойиш этиди. Шунингдек, маданият бўлими ва кўзи ожизлар кутубхонаси томонидан Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишиланган китоб кўргазмалари ташкил этилди.

Фестивалда фаол иштирок этган жамоалар, болалар ва мактабгача таълим муассасалари ташкилотчилар томонидан фаҳрий ёрлик ва эсадлик совғалари билан

тақдирландилар.

Шунингдек, 1 июнь куни Фориш маданият марказида туман ҳокимлиги, маданият бўлими, туман худудида янгидан барпо этилаётган ЎзАтомСаноат ташкилотчилари ҳамкорлигига “Хар бир болага меҳр ва эътибар” деб номланган катта байрам тадбири бўлиб ўтди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ўтказилган ушбу тадбирда кам таъминланган, боқувчини

йўқотган оиласлар фарзандлари, умумтаълим мактабларидаги иктидоридаги ўқувчилар ҳамда маданият марказларидаги бадиий ҳаваскорлик тўгаракларнинг фаол иштирокчилари ташкилотларнинг совғалари топширилди.

Шунингдек, Тошкентдан ташриф буюрган ёш томошибинлар театри ижодкорлари ҳам турли эртак қаҳрамонлари, куй-қўшиклар ва қизиқарли

йўйинлар билан бойитилган шоу-концерти билан қатнашди. Туман маданият марказида эса бадиий ҳаваскорлик тўгараклари иштирокчилари, 18-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ҳамда “Камалак” болалар ташкилоти фолларининг байрам концерти намойиш этилди.

**Ш.ДАРХОНОВ,
Л.ҲАҚИМОВА,
Маданият маркази
мутахассислари**



Барча шодлик сизга бўлсин!

Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди. Маданият вазирлиги, Хунармандлар уюшмаси, “Crafers” корхонаси ва яна бир қанча ташкилотлар ҳамкорлигига уюштирилган шодиёнага пойтактадаги боғча, мактаб ва Мехрибонлик уйларининг тарбияланувчилари тақлиф этилди.

Тадбирда болалар куй-қўшиклар ижро этиб, ҳомийларнинг совғаларидан баҳрманд бўлишди. “Лойда жонланган мўжизалар” номли маҳорат дарсида эса улар Фиждувон кулолчилигининг 7-авлод вакили Дилноза Нарзуллаеванинг анъанавий хуштаклар ясаш, шаҳрисабзлик кулол Шамсиддин Шерназаровнинг эса анъанавий кулолчилик чархидан идиш ясаш жараёнларини бе沃сита кузатиши, ўзлари ҳам идиш ва хуштак ясашга уриниб кўришиди.

“Бизнинг 250-боғчамиз бу масканга яқин бўлгани учун истироҳат боғига эмас, шу ерга келишини афзал кўрдик, – дейди уч ёшли Камолхўжанинг онаси Азизахон Камолова. – Хато килмаган эканмиз! Музейда бунақа тадбирлар ўтказилиши биз – катталар учун ҳам айни мудда бўлди. Чунки тадбирни томоша қилиш баробарида ўзбек миллий санъати ва хунармандчилиги тарихи билан танишдик. Болажонлар ҳам қизиқарли таассуротларга эга бўлишиди.

Музей ҳовлисида ташкил қилинган тасвирий санъат кўргазмаси ҳам иштирокчиларда катта қизиқиши ўйтади. Тантана болалар учун ёзилган тўкин дастурхон атрофида давом этди. Эътиборлиси, унда чет эллик сайдёхлар ҳам қатнашиб, ўзбекистонлик ёшлар билан рақс тушиши ва байрамни бирга нишонлашиди.

А.МЎМИНОВ, муаллиф олган суратлар



Замонавий санъат марказида болалар байрами

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қошидаги маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси Мактабгача таълим вазирлиги билан ҳамкорликда Замонавий санъат марказида 1 июнь куни байрам тадбири ўтказди.

Ташкилотчилар болалар, уларнинг ота-оналари ва устозлар учун ажойиб дастур тайёрлашиди. Унга кўра марказда замонавий санъат бўйича маҳорат дарслари ўтказилди, шунингдек, “Кўргон чироқ” кўргазмаси бўйлаб болалар учун саёҳат уюштирилди. Марказ ҳовлисида эса оиласлар ҳордик учун бечта зоналар – фотозона, стол тенисли ва спорт ўйинлари учун майдончалар, боди арт ва бўяш баннери, ширинликлар дастурхони тайёрланди. Болаларнинг севимли мультьхаҳромонлари образидаги аниматорлар ташриф буюрган барча меҳмонларга хуш кайфият улашди. Тадбир доирасида оиласлар саргузашт-ўйинлар, болалар учун импровизация театри ва эстафеталар ташкил қилинди.

Маълумот учун: 2019-2020 йилда реконструкция қилиниши сабабли, Замонавий санъат маркази шу куни ўз фаолиятини вактинчა тўхтатди.



» Хайрия концерти

**“Нафосат” –
муруват
үйида**



24 май куни Андикон тумани Бүтакора қышлоғыда жойлашган Муруват уйида туман маданият маркази қошидаги “Нафосат” ашула ва рақс халқ ансамбли хисобот хайрия концертини намоишиш этди.

Ансамбль иштирокчи-

лари ўзбек миллий күй-күшик ҳамда рақсларидан ижро этиб, барчага хуш кайфият улашди. Жамоанинг кекса иштирокчилари – Раҳматилла Қосимов, Аъзамхўжа Азизхўжаев, ёш хонандалар – Фиёбек Ибрағимов, Сардорбек Мамаса-

идов, Жўрабек Қосимовлар ижросидаги мумтоз ва замонавий қўшиқлар ва гўзал рақслар олкишлар билан кутуб олинди.

Концертда, шунингдек, сўз устаси Исломилjon Исломилов ҳам ўз латифалари билан қатнашди.

» Кўйиркоқ театрлари учун саҳна асари

Қалдирғоч билин майна

(Мусиқали эртак)

Катнашувчилар: Нодир ва Юлдуз – бошловчилар; Қалдирғочбек – кенжатой қалдирғоч; она қалдирғоч; ота қалдирғоч; майналар сардори; ёш майналар; оғир мушук. (Воқеа қалдирғоч ини атрофида ва майналар маконида бўлиб ўтади)

I кўриниш

(Мусиқа садоси остида саҳнага
Нодир ва Юлдуз кўшик айтиб чиқиб
келишади. Томошибин болаларни кўриб,
улар билан рақса тушишади)
Нодир – Ассалому алайкум, азиз
боляжонлар!

Юлдуз – Ассалому алайкум, менинг
жажжи томошибинларим!

Нодир – Сиз күшларни жуда яхши
кўрасизми?

Болалар – Ҳа- а..

Юлдуз – Кайси күшларни яхши
кўрасиз?..

Болалар – (Болалар ўзлари истаган
күшларни айтишади)

Нодир – Жудаям яхши. Ундан
бўлсан...

Юлдуз – Сизларга айтиб берадиган
эртагимиз күшлар ҳакида.

Нодир – Бугун ажойиб бир
эртакнинг гувоҳи бўлмази.

Марҳамат, томоша қилинг.

тумача кўзлари жовдираб
төвланаркан.

II кўриниш.

(Қалдирғочларнинг ота-
онаси учуб келиб, уларни
озиқлантиради)

Қалдирғочбек – Чирк-
чирк... ойижон, учишими
кўринг, чирк-чирк... Мен-чи, ойижон,
кечагидан ҳам баландроқ, узоқроқ
учдим. Қанча олис-олисларга учсан,
шунча боғларни, кир-адирларни
кўришим мумкин экан. Тўғрими,
ойижон?

Она қалдирғоч – Тўғри, болажо-
ним, темир қанотим, тўғри...

(Қалдирғочек ва акалари кўшик
айта бошлади. Онаси уларга жўр
бўлади)

Қалдирғочбек – Кап-кatta бўлиб
колдим,

Қалдирғочлар – Бўлиб колдик.

Қалдирғочбек – Учишни билиб
олдим,

Қалдирғочлар – Билиб олдик.

Қалдирғочбек – Мен осмонга
учаман,

Қалдирғочлар – Биз учамиш.

Қалдирғочбек – Сўнг кўёшли
кучаман,

Қалдирғочлар – Биз кучамиш.

Қалдирғочбек – Мен осмонга
учаман,

Қалдирғочлар – Биз учамиш.

Қалдирғочбек – Сўнг кўёшли
кучаман,

Қалдирғочлар – Биз кучамиш.

Она қалдирғоч – Темир қанот
полапон, полапоним,

Онган сенга гиргиттон, гиргит-
тоним,

Қўргонингда уч,
яйра, уч яйра,

Жаннат юртингда

сайра, хўй сайра.


Қалдирғочбек – Қойил, чирк-
чирк... маз-за, чирк-чирк... Энди мен
узон манзилларгаям учча оламан!!!

Она қалдирғоч – Эҳтиёт бўл,
чирогим, олис манзилларга учидан,
ўзга жойлар-у, денгизларни ҳавас
қилишдан олдин түғилган уйингни,
униб-ўстан кўргонингни синчилаб
ўрган, қалдирғочим. Бу кетишида ада-
шиб қолишинг ҳеч гапмас.

Қалдирғочбек – Адашмайман,
ойижон, учадиган йўлларимга белги-
лар қўйиб чиқаман, ойижон.

Она қалдирғоч – Учар йўлларга
белгилар кўйилмайди. Ҳай, шашқалок
полапоним...

Қалдирғочбек – Унда нима қилиш
керак, ойижон?



Она қалдирғоч – Уйингта
мехр кўй. Тинчликнинг қадрига ет.
Мусаффо осмонни, зилол сув анхорни,
буғдойзор далалярни ҳеч қачон
унутма, боляжоним. Биздан катта,
бизга ҳаётни ўргатган кекса күшларни,
азиз устоzlарни доимо ҳурмат қил.

майналармиз.

Биз, майналар, майналар,
Тирнокларимиз кескир.

Боғингизга кирамиз,

Борингизни шиламиз.

Биз доим олам кезамиз, саир қила-
миз!

Қалдирғочбек – (Тўлқинланиб)
Олам кезасиз! Жуда зўр-ку!. Мен ҳам
сиз билан саир килсан, олам кезсан,
майлими?.. Сафингизга қўшилсан,
руҳаст берасизми?

Майналар сардори – Марҳамат,
сафимизга қабул қиласиз. Ҳани,
майналар, бу күшни сафимизга қабул
қиласизми?!

Майналар – Сафимизга оламиш!!!

Майналар сардори – Сенга бу
ҳаёта яхши яшашни ўргатамиз. Факат
битта шарт ва қонунимиз бор. У ҳам
бўлсан...

Майналар – Тез учамиш! Тез кўра-
миз! Тез йўқолиб, уларни ҳам майна
қиласиз!!!

Қалдирғочбек – Тез учоламан,
тез кўроламан... Лекин уларни майна
қилиши билмайман... Менга эркин-
лигинги ва олам кезишингиз ёкиб
қолди. Мен ҳам эркин учсан, олам
кезайб, саир килсан...

Майналар сардори – Жуда соз!
Ҳани, унда ўқдай учамиш ва манзилга
етамиш! Олға!...(барча майналар уч-
ишиди, уларга қўшилиб Қалдирғочбек ҳам
учиб кетади)

Она қалдирғоч – Қалдирғочбек,
боляжоним, орқангга қайт, полапон-
им, қайт орқангга... Уларнинг ҳо
ҳавасига ишонма!. Полапоним!..
(Майналарнинг ғалаба кўйи юнг-
райди. Она қалдирғоч додлаганча қола-
ди)

Муяссар ШОДИЕВА,
Республика эстрада-цирк
коллекция ўқитувчиси

(Давоми кейинги сонда)

II кўриниш

(Ховли, мевали даражатлар, айвон
пештоқида қалдирғоч ини)

{
марта}

Нодир –

Бор экану, ўйқ экан,
Оч экану тўй экан,
Бўри баковул экан,
Тулки ясовул экан.

Юлдуз –
Сизу бизнинг замонда,
Ўйнаб кулган маконда,
Ажойиб, ҳам гаройиб
Воқеа бўлган экан.

(Кўй чалинади)

Нодир – Фасли баҳор хайрлашган
тун...

Юлдуз – Ёз фасли эшик қоқкан кун
аҳил ва тутуб қалдирғочлар оиласидан
жажжи-жажжи полапонлар ёрўт олам-
га келиди. Шошманлар, яхшиси, ҳо-
зир уларни томоша киласиз. Эй-й-
жим! Жим бўйлайлик, она қалдирғоч
болаларига алла айтиб ухлатитти-ку!...

Алла, алла, алла-ё,
Қалдирғочим, алла-ё
Кўкси оппоқ қалдирғоч,
Эга келди бўжи, қоч.
Аллалар қўйинингни оч,
Яна аллаларинг айт.

{
2 м.

Нодир – Улар кун сайин эмас, соат
сайнин ўсади. Темир қанот полапонлар
бирпасса улгайиб, ота-онаси каби қора
ва оқ туста кириди.

Юлдуз – Уларнинг тим қора
қанотлари силилк, оппоқ кўкси майин,

» Кўрик-тандов

Ахборот-кутубхонанинг энг яхши мутахассиси

Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонасида “Ахборот-кутубхона мутахассиси-2019” кўрик-тандовининг 1-босқичи бўлиб ўтди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ташабуси билан анъанавий равишда ўтказилиб келинаётган мазкур тадбирда барча туманлар кўзи ожизлар кутубхоналари мутахассислари

қатнашиб, тўртта шарт бўйича беллашибдилар. Тандовда вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими кутубхоначиси Ҳожарби Искандарова 1-ўринни, Гурлан туман кўзи ожизлар кутубхонаси мудириаси Муҳаббат Йўлдошева 2-ўринни, Хива туман кўзи ожизлар кутубхонаси кутубхоначиси Замира Айтбоева 3-ўринни кўлга киритишиди.

Голиблар вилоят кўзи ожизлар кутубхонасининг фахрий ёрлиги ва эсадлик соввалари билан таддирландилар.

1-ўрин соҳиби Ҳожарби Искандарова тандовнинг 2-босқичига йўлланма олди.

Ў.ЮСУПОВА,

Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси методика-библиография бўлими мудириаси



» Ҳисобот концерти



Олқишлиар билан кутиб олинди

31 май кунин Самарқанд вилояти Каттақўрон шаҳар драма театрида 2-болалар мусика ва санъат мактабининг ҳисобот концерти бўлиб ўтди.

Каттақўрон шаҳар ҳокими Музаффар Ҳошимов бошчилигидаги ҳокимлик тарли ташкилотлар вакиллари, Самарқанд маданият бошкармаси бошлиғи Ҳўжакул Муҳаммадиев, фаоллар ҳамда ота-оналар тақлиф этилган ушбу тадбирга Ўзбекистон ҳалқ артисти Мансур Тошматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ваҳобиддин Бахриев, эстрада хонандаси Нуриддин Бахриев

ҳамда шоир Аҳад Каюмлар ҳам ташриф буюришиди.

Ушбу мактаб ўқитувчилари ҳамда ўқувчилари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар – О.Нарзиев раҳбарлигидаги ўзбек ҳалқ чолғу созлари оркестири, X.Холиёров бошчилигидаги мақомчилар, Т.Тошматованинг дуторчи қизлар ансамбллари, Ф.Бобокулова томонидан ташкил этилган “Нафис” рақс жамоаси, Ж.Неъматов бошчилигидаги фольклор жамоаси ва яқаҳон ижрочиларнинг чиқишилари олқишлиар билан кутиб олинди. Сўз устаси, қизиқчи Нодир

Ҳайитов эса ўз ҳангомалари билан барчага хуш кайфият улашиди.

Шунингдек, мактабда фаолият юритаётган санъат бўлими ўқитувчилари – С.Рашидова, М.Хайреваларнинг ўқувчилари билан бирга тайёрлаган кўнгламаси дуторчи билан меҳнати намуналари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Тадбир якунинда мактаб битириувчилари гуваҳномалар тантаналини рашида топширилди, республика ва ҳалқаро тандов голиблари эса диплом ҳамда эсадлик соввалари билан таддирландилар.

» Мозайдан садо

Кўҳна рамзлар

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихида энг мудҳиҳ ва катта талафот келтирган уруশ ҳисобланади. Унда 62та давлат иштирок этиб, собиқ иттифоқ давлатларининг ўзидан 21 миллиондан ортиқ инсонлар қурбон бўлган. Уруশ бўлаётган ҳудудларга жами 3,5 млн тонна бомба ва шу каби портловчи моддалар ташланган. Миллионлаб инсонлар бошпанасиз қолганлар, яқинларида айрилганлар. Биз тилга олмоқчи бўлган мавзу эса ушбу урушини бошлаган III Рейх А.Гитлер томонидан 1920 йилда ўз партисига таъсис этилган кесишиган икки чизиқли тамға (свастика) ҳақида.

Мазкур айланётган хоч тамғасини нацистлар Еринг айланishi белгиси, деб ифодалашган. Аслида юнга белгилар кўплаш ҳалклар тарихида ҳам учрайди. Масалан, ҳиндлар уни баҳт ва омад келтирувчи рамз, деб билишган. Қадимги юнонларда эса тамға шаҳарсоллигининг қўркениши сифатида намоён бўлган.

Марказий Осиёй ҳалкларида учлари тўғри тўртбурчак шаклида қайрилган икки кесишиган чизиқ ислом дини кириб келгунита қадар қўёш маъносини англattan ва яхшилик ҳамда ёруғлик, ҳаётнинг давомийлиги рамзи сифатида қадрланган. Ислом дини Марказий Осиёй кеңтарикларни таркилган икки кесишигандарни сифатида ишлатилгани ва унга ҳеч қандай илоҳий тус берилмаганини кўришимиз мумкин.

1950-90 йилларда ўша вактдаги собиқ Андикон вилоят ўлкашунослик музеи ҳамда Самарқанд шаҳрида жойлашган Фанлар академиясининг археология институти ҳамракида Фарғона водийсидан, жумладан, Андикон вилоятининг бир қанча ёдгорликларида археологик тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу тадқиқотлардан бири “Заврақтепа” ёдгорлигига ўтказилган бўлиб, бу

ердан антик даврга оид ҳум парчаси топилган. Мана шу ҳум парчасидаги қадимги Фарғона давлати ёзуви на муналари орасида айнан ўша тамғани ҳам кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, археологик тадқиқотлар натижасида Яна бир топилма – Сомонийлар даврига оид сополдан



ясалган товоқчада ҳам нозик дид ва юқори маҳорат билан ўйиб ишланган нақшларда айнан ўша белги ифодаланган.

Андикон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг илмий кенгаши руҳсати билан намоишга кўйилган бу сопол парчалари музейга ташриф буюрган томошабинларнинг эътиборини кўп тортиди. Томошабинларда ушбу белгини кўришилари билан беихтиёр саволлар туғилиди ва ўзаро мунозара киришиб кетадилар...

Музейларимизнинг асл мақсади ҳам мамлакатимиз раҳబари таъкидлаганларидек, ўсиб келаётган ёш авлодга тарихимиз, маданиятимиз, урғодатларимиз ҳамда азалий анъаналаримизни чуқурроқ ўргатишда хисса кўшишидир.

Бугунги кунда Андикон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг тарихида жойлашган Фанлар академиясининг экспозиция залларида юкорида келтирилган ноёб сопол парчалари билан бир каторда ўлкамиз тарихига оид қўймалар топилмалар ҳамда осори-атиқалар жой олган. Улар нафакат вилоятимиз ахолиси, балки хорижий меҳмонларда ҳам катта қизиқиш ўйготмоқда.

Аваёб ПОЗИЛЖОНОВ,
Андикон вилоят тарихи ва маданияти давлат музей тарих бўлими мудири



Голиблар вилоят кўзи ожизлар кутубхонасининг фахрий ёрлиги ва эсадлик соввалари билан таддирландилар.

1-ўрин соҳиби Ҳожарби Искандарова тандовнинг 2-босқичига йўлланма олди.

Ў.ЮСУПОВА,

Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси методика-библиография бўлими мудириаси

» Ташаббус ижроси амалда

“Санъат – маънавият гулшани”

Кўкон шаҳар маданият бўлими ҳамда маънавият ва маърифат маркази бўлинмаси билан ҳамкорликда, шаҳардаги маҳсус енгил саноати касб-хунар коллежида “Санъат – маънавият гулшани” деб номланган маънавият маърифий таддир ўтказилди.

Президентимиз илгари сурган ташаббуслар асосида ўтказилган мазкур таддирда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси шоир, драматург Аъзам Назирий ўз ёзган шеър ва ҳажвий ҳикояларидан намуналар ўқиди. Бундан ташқари Мадина Мирзаҳмедова, Муҳтарам Муҳторова, Мадина Маҳмудова, Мадина Эргашева сингари коллек ўқувчиларининг шеърлари тингланди, қўшиклар ижро этилди.

Н.УСМОНОВ,

маданият бўлими ходими

» Маънавий-маърифий таддир



“Озод юрт фарзандлари”

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ демократик партияси Наманган вилоят кенгаси, Ўзбекистон Республикаси Рассомлар бадиий академияси вилоят бўлими, вилоят ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда “Озод юрт фарзандлари” номли маънавий-маърифий, кўргазмали таддир ташкил этилди.

Үнда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда ўқувчи ёшлар ўртасида расм чизиш бўйича тандов ўтказилди. Тандовда шаҳардаги 1-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари, Санъат коллежи, 17-болалар мусика ва санъат мактаби ҳамда Андикон вилоятини Улуғнор туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари ва кўнгиллилар иштирок этилди.

Ўрта таътива ёшдаги ўқувчилар асфальтга, мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари эса он коғозга турли мавзуларда ушбу белгиларни кўришига ўзаро мунозара киришиб кетадилар...

Ўрта таътива ёшдаги ўқувчилар асфальтга, мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари эса он коғозга турли мавзуларда ушбу белгиларни кўришига ўзаро мунозара киришиб кетадилар...

Тандов голибларига ташкилотчи муассасаларининг эсадлик соввалари, фахрий ёрлик, бадиий адабиётлар ва вилоят ёшлар иттифоқи томонидан Наманган шаҳридаги Захиридин Муҳаммад Бобур номли маданият ва истироҳат боғига бепул чипталар тақдим килинди.

Ф.РЎЗИБОЕВ,

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музей илмий ходими

» Концерт

Ансамбль мусиқа мактабиди



» Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Термиизда янги боғча

31 май куни Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Термиз шаҳар ҳокимлиги, шаҳар мактабгача таълим муассасаси ва шаҳар маданият бўлими билан ҳамкорликда шаҳардаги 26-мактабгача таълим муассасасининг очилиш маросими ўтказилди.



Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасидаги ушбу тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Р.Чориев болажонларни байрам билан табриклиди. Шундан сўнг шаҳардаги 1-музиқа ва санъат мактабининг "Сабо" рақс ансамбли, шаҳар маданият бўлими қошида ташкил этилган "Фарруҳбек" дарборзлик ва цирк жамоасининг эртак қаҳрамонлари ҳамда шаҳардаги мактабгача таълим муассасаларининг кичкитойлари томонидан тайёрланган мусикий чиқишилар, саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Зукколар беллашуви

Ўзбекистон ёшлар итифоқи Андикон шаҳар кенгаши, Бадий ижодкорлар уюшмаси вилоят бўлими ва 28-болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамкорлигига вилоят тарихи ва маданияти давлат музеида "Ҳар бир болага меҳр, эътибор!" номли байрам ташкил этилди.

15- ва 29-умуттаълим мактаблари ўқувчилари ҳам қатнашган тадбир доирасида шеър, қўшик, монолог, тез айтишлар, савол-жавоб ва викторинадан иборат "Зукко болажон", "Тасвирларда ватан сиймоси" мавзусида қозогза ва асфальтга расм чизиш машғулотларини ўз ичига олган "Ёш рассом", аркон тортиш, аргимчоқда сакраш каби ҳалк ўйинлари мусобақалари ташкил килинди. Уларда фаол қатнашган ўқувчилар ҳамкор ташкилотлар томонидан фарҳий ёрликлар ва эదзалик совфалари билан тақдирландилар.

Кизгин беллашувлардан кейин болажонлар учун музей бўйлаб саёҳат уюширилди.



30 май куни Ўзбекистон давлат филармонияси Андикон вилоят бўлинмасининг ашула ва рақс ансамбли томонидан Т.Содиков номидаги 7-музиқага ихтинослаштирилган мактаб-интернатида концерт-лекторири ўтказилди.

Унда ашула ва рақс ансамбли хонандалари, созандо ҳамда

ракқосалари томонидан ижро этилган миллий мумтоз кўйкўшиқлар, жозибали рақслар барчага кўтаринки қайфият улашди. Тадбир ниҳоясида мактаб-интернат директори Адҳамжон Исломов Ўзбекистон давлат филармонияси Андикон вилоят бўлинмасига ташаккурнома топшириди.



» Ҳалқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Ҳалқаро ҳунармандчилги



Ипаклари тиллодан...

Ўзбек миллий дўпписи амалий санъатимизнинг энг қадимий турларидан бири бўлиб, ҳалқнинг узоқ изланишлари натижасида юзага келган.

Қўшиқларда таърифланганидек, ипаклари заррин ўзбекдўппиларининг энг кўп тарқалган шакллари конусимон ва тўрт кирралари кўринишадир. Шунингдек, Ўзбекистонда Тошкент, Чуст, Самарқанд, Бухоро, Бойсун дўппилари ўзига хослиги билан машҳур. Уларнинг орасида Чуст дўпписи алоҳида ажralиб туради.

Чуст аҳолиси қадимдан кўплаб ҳунармандчиллик турлари билан шуғулланиб келган. Дўппидўзлик билан эса аёллар якка тартибда, уй шароитида машғул бўлишган. Бу бош кийим дастлаб юмалоқ шаклда бўлиб, унинг уст ва ён томонига гул рамзи туширилган. Вақт ўтгани сари аёллар бош кийимларнинг тикилиш усулларини ўзgartириб боришиди ва дўппини юмалоқ эмас, балки кўриниши бир от залтироқ тусда бўлиб, унда саёэрок қалампир гуллари акс этирилган. Самарқанд дўпписи эса ғилем нусхада тикилади ва устки кисмидаги ҳар хил тасвирлар акс этирилади. Бу дўппини тикишда кўп меҳнати учна роль ўйнамидаиди.

Яна бир энг катта фарқи — Марғилон дўпписининг ташкини кўриниши бир от залтироқ тусда бўлиб, унда саёэрок қалампир гуллари акс этирилган. Самарқанд дўпписи эса ғилем нусхада тикилади ва устки кисмидаги ҳар хил тасвирлар акс этирилади. Бу дўппини тикишда маҳсус

лардан, Польшанинг Познан, Япониянинг Токио шаҳарларида ўтказилган кўргазмаларда катнашиб, фахрли ўринларни эгаллаган. Чустнинг довруги бутун дунёга танилишида бу ютуқларнинг ҳам ҳиссаси бор. Яна бир эътиборли томони, Чуст дўпписи ўзбекларнинг ўзбеклигини билдириб турадиган миллий бош кийимлардан хисобланниб, уни кийиш учун



вақт танланмайди. Йилимизнинг қайси фасли бўлмасин, тўй, маърака, ибодат, сайл, овқатланиш вақтида ҳам бу кийим одамларимиз бошидан тушмайди. Хатто хорижда юрган ватандoshларимиз ҳам она юртни кўмсаганида, айнан дўппини кийиб, озигина бўлса-да, соғинчини енгади, миллий кийимларимиз қаториди уни эъзолаб, ҳалқимизга, миллий ҳунармандларимиз меҳнатига хурматини намойиш қиласиди.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг кўргазма залларида дўппиларини турли нусхалари намойишга қўйилган. Улар орасида Чуст, Марғилон, Шахризабз, Ироқи, Башорат, Мунҷоғли, Бахмал нусха дўппиларни учратиши мумкин.

М.ОТАБОЕВА,

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими

Чуст дўпписининг болалар учун ҳам маҳсус тури мавжуд бўлиб, унинг тикилиши катталарнинг дўпписидан бирор фарқ киласиди — бош кийим четига ҳар хил тумор, кокиллар кадалади. Бу безаклар болани турли ҳил кўнгилсизликлардан, назар-нафасдан асрайди деб ишонишган.

Фабрикада ишловчи аёллар то- монидан тикилган Чуст дўппилари бир неча бор жаҳон ҳалқлари амалий санъати кўргазмаларида, жум-

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаса акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кӯчаси, 42.
Босмахона топшириш вақти - 20.00
Топширилди - 20.00
1 2 3 4 6

МАДАНИЯТ

ОБУНА ИНДЕКСИ:
285

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон
Республикаси
Маданият
вазирлиги,
«Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир
Дилбаҳор Ҳудойбердиева
Таҳририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайсанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
10.04.2018 й. 0803 рақами
билин давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Таҳририятта келган кўлъёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди.
Маколада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавоб гар, унинг фикри
таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
«Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.